

**Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги томонидан
2014 йил “30” майда
“347” сон билан
қайта рўйхатга олинган**

**Ўзбекистон металлургия ва
машинасозлик саноати
тармоқлари ходимлари касаба
уюшмасининг V Қурултойи
томонидан 2014 йил “18” февралда
тасдиқланган**

**Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати
тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси**

УСТАВИ

Тошкент - 2014 йил

Ўзбекистон metallurgия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси

У С Т А В И

I. Умумий қоидалар

1.1. Ўзбекистон metallurgия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси “Ўзметмашсаноат” (бундан бўён “касаба уюшмаси” деб юритилади) – мулкчиликнинг шаклидан қатъий назар Ўзбекистон metallurgия, машинасозлик, автомобилсозлик, радиоэлектроника ва электротехника саноати тармоқлари, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тизимидағи мазкур тармоқлар ёки ўхшаш фаолият билан боғлиқ корхона ва ташкилотларнинг ходимларини, тармоқдаги ўрта маҳсус касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларини, якка тартибда ёки меҳнат шартномаси билан тармоқда ишлаётган шахсларни, ишламайдиган пенсионерларни ихтиёрий равишда ҳамда тенг ҳуқуқлилик асосида бирлаштирадиган жамоат бирлашмаси ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги нодавлат нотижорат ташкилоти ҳисобланади.

1.2. Касаба уюшмаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг аъзосидир ва ўзининг мақсад ва вазифаларига мувофиқ бошқа давлатлар касаба уюшмалари марказлари билан ҳамкорлик қилиши, касаба уюшмалари ҳалқаро бирлашмаларига аъзо бўлиши мумкин.

1.3. Касаба уюшмаси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси худудида қонунчилик, демократия, ихтиёрийлик, мустақиллик, тенглик, бирдамлик, ошкоралик асосида амалга оширадиган Республика касаба уюшмасидир.

1.4. Касаба уюшмаси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ва Меҳнат Кодекслари, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”, “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”, Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикасида ратификация қилинган ҳалқаро меъёрий ҳужжатлар” шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятларини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Устави ва мазкур Уставга асосланиб олиб боради.

1.5. Касаба уюшмаси, унинг тузилмавий бўлинмалари ва сайланма органлари ўз фаолиятларида давлат бошқаруви органлари, ижроия ҳукумати, иш берувчилар ва уларнинг бирлашмалари, сиёсий партиялар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларидан мустақиллар, уларга ҳисобдор эмас ва улар томонидан назорат қилинмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

1.6. Касаба уюшмаси ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар мустақил ёки бошқа ташкилотлар билан биргалиқда тадбиркорлик, ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти, нашриётчилик билан шуғулланишлари, банклар, қўшма корхоналар, мақсадли жамғармалар ташкил этиши ҳамда Устав мақсадларига мувофиқ ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган фаолият олиб боришлари мумкин.

1.7. Касаба уюшмаси ва унинг ташкилотлари ўз номларидан мулкий ва номулкий ҳукуқларга эга бўлишлари, амалга оширишлари, мажбурият олишлари, судда даъвогар ва жавобгар бўлишлари мумкин.

1.8. Касаба уюшмани номланиши:

- ўзбек тилида: тўлиқ - Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси, қисқартмаси - “Ўзметмашсаноат”;

- рус тилида тўлиқ: Профессиональный союз работников metallurgical и машиностроительных отраслей промышленности Узбекистана, қисқартмаси - “Узметмашпром”;

- инглиз тилида - Trade Union of workers the metallurgical and machine industry of Uzbekistan.

1.9. Касаба уюшмасининг раҳбар органи – Республика Кенгашининг жойлашган ери (пошли манзили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шахри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 24-үй, 100165.

II. Касаба уюшмасининг мақсад ва вазифалари

2.1. Касаба уюшмасининг асосий мақсади – касаба уюшмаси аъзолари ва ташкилотларининг меҳнат, ижтимоий-иктисодий ва маданий-маърифий соҳадаги ҳукуқ ва манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилишдан иборатdir.

2.2. Касаба уюшмаси:

- миллатидан, жинси, ёши ва диний эътиқодидан қатъий назар ҳар бир касаба уюшмаси аъзосини меҳнат қилиш, касбни эркин танлаш, муносиб иш шароити ва ишсизлиқдан ҳимоя қилинишига бўлган конституцион ҳукуқларига риоя этилишига;

- меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнат режимининг ижтимоий-адолатли тизимининг жорий этилишига;

- ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасига кўра ходимларнинг малакасини ошириш ва касб жиҳатдан қайта тайёрланишига;

- меҳнатга оид қонун ҳужжатларига, меҳнатни ва атроф мухитни муҳофазалаш қонунлари, қоидалари ва меъёrlарига риоя этилишига;

- меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, уларнинг маънавий, маданий эҳтиёжларини қондириш учун замин яратилишига ва маблағ ажратилишига, жисмоний тарбиянинг ривожлантирилишига;

- жамоа шартномалари ва тармоқ (тариф) келишувларининг тузилиши ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширишга;

- ижтимоий соҳада қабул қилинган давлат дастурлари ижросини таъминлашга;

- меҳнаткашларнинг меҳнат шароити, ижтимоий-иктисодий ва маънавий ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун қонун ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинишига, барқарорлик, ҳамжиҳатлик ва фуқаролар тутувлигини сақлаб қолишига эришади.

III. Касаба уюшмаси аъзолари, уларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари

3.1. Касаба уюшмасига аъзо бўлиш ихтиёрийдир. Касаба уюшмаси Устави талабларини тан оловчи ва бажарувчи, аъзолик бадалларини мунтазам тўлаб

борувчи 18 ёшга тўлган ҳар бир фуқаро касаба уюшмаси аъзоси бўлиши мумкин (агар 16 ёшга тўлган фуқаро иш берувчи билан меҳнат муносабатларида бўлса ёки ўқув юртида таҳсил олаётган бўлса, касаба уюшмаси аъзолигига кириши мумкин).

3.2. Касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилиш ва ундан чиқариш шахсий аризага кўра бошланғич касаба уюшма ташкилотининг умумий йиғилиши ёки, касаба уюшма қўмитаси мажлисида амалга оширилади.

Касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилиш ва ундан чиқиш санаси тегишли қарор қабул қилинган кундан ҳисобланади. Касаба уюшмасига қабул қилинган фуқарога бошланғич ташкилотнинг касаба уюшмаси қўмитаси (ташкилотчиси) томонидан ягона намунадаги аъзолик билети берилади.

Йирик бошланғич ташкилотларда касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилиш ҳукуқи касаба уюшмаси қўмитаси қарори билан цех қўмиталарига берилиши мумкин.

Касаба уюшмаси аъзолари асосий иш (ўқиши) жойларида касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти ҳисобида турадилар.

3.3. Касаба уюшмасига аъзолик қуидаги ҳолларда сақланиб қолади:

- тармоқдаги бошқа касаба уюшмаси аъзоси касаба уюшмаси хизмат юрсатадиган корхонага ишга келганда;
- касаба уюшмаси аъзоси фарзанд тарбиялаш ёки яқин қариндошини парваришиш зарурати билан меҳнат фаолиятини вақтингчалик тўхтатганда;
- касаба уюшмаси соғлиғи бўйича ёки ёшга доир пенсияга чиқиб ишини тўхтатганда (касаба уюшмаси ташкилоти билан алоқани узмаслик ва аъзолик бадалларини тўлаб туриш шарти билан);
- ходимлар сони(штат)нинг ўзгариши ёки корхонанинг тугатилиши муносабати билан вақтингчалик ишсиз қолиб, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтган касаба уюшмаси аъзосига - бошқа ишга жойлашгунча;
- касаба уюшмаси аъзосининг Куролли Кучларда хизмати тугагандан сўнг-икки ойгача;

вақтингчалик иш учун мамлакат ҳудудидан чиқиб кетган касаба уюшмаси аъзосига - қайтиб келгунигача.

Касаба уюшмасининг ҳамма аъзолари teng ҳукуқ ва мажбуриятларга эгадирлар.

3.4. Касаба уюшмаси аъзоси қуидаги ҳукукларга эга:

- касбий, ижтимоий-меҳнат ҳукуқ ва манфаатлари, меҳнат муносабатларига оид масалалар бўйича касаба уюшмасининг ҳимоясида бўлиш;
- касаба уюшмасининг исталган органига мурожаат қилиш ва ўзининг мурожаати бўйича тегишли жавоб талаб қилиш;
- жамоа шартномалари, келишувларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда қатнашиш, уларда кўзда тутилган имтиёзлардан фойдаланиш;
- касаба уюшмаси органларидан меҳнат муносабатлари, ҳукуқий масалалар бўйича бепул ҳукукий ёрдам олиш;
- касаба уюшмаси органларига сайлаш ва сайланиш;

- касаба уюшмасининг фаолиятини касаба уюшмаси қурултойларида, йиғилиш (конференция)ларида, сайланма раҳбар органлар мажлисларида, оммавий ахборот воситаларида эркин мұхқама этиш ва танқид қилиш, таклифлар киритиш, ўз фикрини очық баён этиш ва химоя қилиш, қарорлар ишлаб чиқишида иштирок этиш;

- ўз фаолияти ва хулқ-атворига тааллукли масала кўрилаётганда касаба уюшмаси йиғилиш (конференция)лари, касаба уюшмаси сайланма органлари мажлисларида шахсан қатнашиш;

- касаба уюшмасининг санаторийлари, дам олиш уйларига, шунингдек болаларни соғломлаштириш оромгоҳларига имтиёзли нархларда йўлланмалар олиш, касаба уюшмасига фойдаланиш учун берилган маданият муассасалари ва спорт-соғломлаштириш иншоотларидан фойдаланиш;

- белгиланган тартибда касаба уюшмаси мулкидан фойдаланиш;

ихтиёрий равишда касаба уюшмаси аъзолигидан чиқиши.

3.5. Касаба уюшмаси аъзосининг мажбуриятлари:

- касаба уюшмаси Уставига риоя қилиш, касаба уюшмаси органларининг мазкур Уставга биноан қабул қилган қарорларини бажариш;

- касаба уюшмаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва унинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда қатнашиш;

- жамоа шартномалари ва Келишувлар мажбуриятларининг бажарилишига қўмаклашиш;

- касаба уюшмаси гурух, цех, бошланғич ташкилоти фаолиятида қатнашиш;

- ҳар ойда белгиланган миқдор ва тартибда касаба уюшмасига аъзолик бадалларини тўлаб бориш;

касаба уюшмалари ҳаракатига заарар келтирадиган ҳатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик.

3.6. Касаба уюшмаси ишида фаол қатнашгани учун касаба уюшмаси аъзолари қуидаги рағбатлантирилишлари мумкин:

- мукофот;

- қимматбаҳо совфа билан тақдирлаш;

- касаба уюшмаси Республика Кенгашининг Фахрий ёрлиги билан тақдирлаш;

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг нишони билан тақдирланишга тавсия этиш.

3.7. Устав мажбуриятларини бажармаганлиги ёки касаба уюшмасига заар етказувчи ҳаракатлари учун касаба уюшмаси аъзосига қуидаги жамоат таъсир чоралари қўлланиши мумкин: огоҳлантириш ёки сўнгти чора сифатида касаба уюшмаси аъзолигидан чиқариш.

3.8. Касаба уюшмаси аъзолигидан қуидаги ҳолларда чиқарилади:

узрли сабабларсиз 6 ойдан ортиқ аъзолик бадалларини тўламаганда (мазкур Уставнинг 3.3.-бандида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно);

- Уставда белгиланган мажбуриятларини бажармаганда;

- касаба уюшмасининг сайланма органи штатидаги ходими касаба уюшмаси раҳбар органи қарорини ёки ўз вазифаларини мунтазам (уч мартадан ортиқ) ёки бир марта кўпол равишда бажармаганда;

касаба уюшмаси ёки унинг ташкилотларига жиддий мулкий зарар етказадиган, шунингдек касаба уюшмасини обрўсизлантирувчи бошқа ҳаракатлар қилганда.

Касаба уюшмаси аъзолигидан чиқарилган сайланма орган раҳбари ёки аъзоси ушбу орган таркибидан ҳам чиқарилади.

3.9. Касаба уюшмаси аъзолигидан чиққан киши касаба уюшмасининг ҳимояси, касаба уюшмасининг мол-мулки ва маблағидан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотади. Унинг тўлаган аъзолик бадаллари қайтарилмайди.

3.10. Касаба уюшмаси аъзосига жамоат таъсир чорасини қўллаш масаласи унинг иштирокида бошланғич ташкилотнинг умумий йиғилишида ёки касаба уюшмаси юқори органи мажлисида, шунингдек, юқори касаба уюшмалари органларининг ташаббуси билан уларнинг мажлисларида, кейинчалик касаба уюшмаси аъзоси ҳисобда турган бошланғич касаба уюшмаси ташкилотини қабул қилинган қарордан хабардор этган ҳолда, кўриб чиқилади. Касаба уюшмаси аъзоси юқори орган мажлиси (йиғилиш)да қатнашишни узрсиз сабаб билан инкор этса, ушбу масала унинг иштирокисиз кўрилиши мумкин.

Касаба уюшмаси аъзосига жамоат таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор касаба уюшмаси қўмитаси, касаба уюшмасининг юқори органи томонидан, аъзолари 15 нафаргача бўлган касаба уюшмаси бошланғич ташкилотида эса – умумий йиғилиш томонидан қабул қилинади.

Жамоат таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор йиғилиш қатнашчилари, юқори орган аъзоларининг камидаги $\frac{2}{3}$ қисми ёқлаб овоз берганда қабул қилинган ҳисобланади.

Жамоат таъсир чорасини қўллашдан олдин касаба уюшмаси аъзосидан ёзма тушунтириш хати талаб қилиш лозим. Ёзма тушунтириш хати беришдан бош тортиш жамоатчилик таъсир чорасини қўллашга тўсиқ бўла олмайди.

Жамоат таъсир чорасини бевосита айб иш аниқланганда, лекин у аниқлангандан кейин бир ойдан кечикмасдан қўлланилади, бунда касаба уюшмаси аъзоси меҳнатга яроқсизлик ёки меҳнат таътилида бўлган даври ҳисобланмайди.

Айбли ҳаракат (харкатсизлик) қилинган вақтдан олти ой ўтгандан сўнг, тафтиш ёки молиявий-хўжалик фаолияти текширилиши натижасида эса-айб иш аниқлангандан кейин икки йилдан сўнг жамоат таъсири чораси қўлланиши мумкин эмас.

Ҳар бир айбли ҳаракат (харкатсизлик) учун касаба уюшмаси аъзосига факат битта жамоат таъсир чораси қўлланилади.

3.11. Жамоат таъсир чорасидан норози бўлган касаба уюшмаси аъзоси қарор нусхасини олгандан кейин бир ой муддатда касаба уюшмаси юқори органига шикоят қилиши мумкин. Ариза касаба уюшмаси органи қабул қилган кундан кейин бир ойдан ошмаган муддатда кўриб чиқилади.

Жамоат таъсир чорасидан норози бўлган аъзо белгиланган тартибда судга ҳам шикоят қилиши мумкин.

Касаба уюшмаси аъзолигидан чиқарилган шахс, камида бир йилдан сўнг, умумий асосларда касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилиниши мумкин.

Касаба уюшмаси аъзосидан жамоат таъсир чорасини олиб ташлаш масаласи тегишли касаба уюшмаси йифилиши ёки органи томонидан, қўлланилган кундан камида уч ойдан сўнг кўриб чиқилади.

Жамоат таъсир чораси қўлланилган кунидан бир йил ўтгандан сўнг, агар касаба уюшмаси аъзосига нисбатан шу муддат ичida яна жамоат таъсир чораси қўлланилмаса, ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

IV. Касаба уюшмасининг ташкилий тузилиши ва фаолиятининг асосий тамойиллари

4.1. Касаба уюшмасининг ташкилий тузилиши:

- касаба уюшмаси Республика Кенгаши (кейинги ўринларда “Республика Кенгаши”);

- Республика Кенгашининг худуд бўйича масъул ташкилотчи (кейинги ўринларда “масъул ташкилотчи”);

- касаба уюшма ташкилотларининг тафтиш комиссиялари;

- бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари, цех касаба уюшмаси, касаба уюшмаси гурухларини ташкил этади.

4.2. Касаба уюшмаси кўнгилли жамоат ташкилоти бўлиб, ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ноишлаб чиқариш соҳаларидаги фаолият турига қараб ташкил этилган.

4.3. Касаба уюшмаси ўз фаолиятини қўйидаги асосда ташкил этади:

касаба уюшмасининг барча раҳбар органларининг пастдан юқорига сайлов йўли билан сайлаб қўйилиши;

касаба уюшмаси органларининг уларни сайлаган касаба уюшмаси ташкилотлари ва касаба уюшмаси юқори органлари олдида ҳисбот бериши;

касаба уюшмасининг барча ташкилотлари ва органларининг ишларидаги ҳамкорлик, ошкоралик;

қарор қабул қилинаётганда мунозара эркинлиги;

касаба уюшмаси юқори органларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари қўйи ташкилотлар томонидан бажарилишининг мажбурийлиги.

Касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлари

4.4. Касаба уюшмасининг асосини бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ташкил этадилар.

Ўқув юртларида ходимларнинг бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари ва талабаларнинг бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари тузилиши мумкин.

4.5. Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари юридик шахс бўлган корхона, муассаса, ўқув юртлари ва ташкилотларда, касаба уюшмаси аъзолари 5 нафардан кам бўлмаган тақдирда ташкил этилади.

Касаба уюшмаси бошланғич ташкилотини тузиш ва касаба уюшмасига кириш тұғрисидаги қарор касаба уюшмаси аъзоларининг таъсис мажлисида қабул қилинади ва бу тұғрисида ўн кун ичида юқори касаба уюшмаси органига хабар берилади.

Бошланғич касаба уюшма ташкилоти ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, касаба уюшмалари Федерацияси ва тармоқ касаба уюшмаси Уставлари ҳамда улар томонидан қабул қилинган қарорлар ва Федерация Кенгаши Раёсати томонидан тасдиқланган “Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари тұғрисида”ги Низом асосида олиб боради.

4.6. Касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти ўз фаолиятида мустақилдир. Унинг, шунингдек, сайланма органларининг қонунчилік, Устав, касаба уюшмаси Республика Кенгаши қарорларига зид бўлмаган қарорлари юқори орган томонидан бекор қилиниши мумкин эмас.

Бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг қарори билан корхонанинг таркибий бўлинмаларида касаба уюшмаси цех ташкилотлари ва касаба уюшмаси гурухлари тузилиши мумкин.

4.7. Касаба уюшмаси бошланғич ташкилотининг олий органи умумий йиғилиш (конференция)дир.

Касаба уюшмаси бошланғич (цех) ташкилотида умумий йиғилиш, (конференция) касаба уюшмаси (цех) қўмитаси (касаба уюшмаси ташкилотчиси) томонидан зарурат бўлганда, лекин йилда камида бир марта чақирилади.

Касаба уюшмаси бошланғич, цех ташкилотларида умумий йиғилиш (конференция) ўтказишнинг имкони бўлмагандан ўша муддатларда, смена бўйича йиғилишлар ўтказилиши мумкин.

Бошланғич ташкилот умумий йиғилиши (конференцияси)нинг ваколатлари куйидагилардан иборат:

- бошланғич ташкилот касаба уюшмаси қўмитасининг (ташкилотчисининг), тафтиш комиссиясининг фаолияти тұғрисидаги ҳисоботларни эшлиши;
- фаолиятига доир низомлар ва бошқа хужжатларни қабул қилиш, шунингдек, уларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш;
- бошланғич ташкилот касаба уюшмаси қўмитасини (ташкилотчисини), тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш, уларнинг таркибидан раҳбарлар (раис, раис ўринбосари)ни сайлаш;
- юқори касаба уюшмаси ташкилотларининг сайлаб қўйиладиган органлари таркибига вакиллар сайлаш, юқори касаба уюшмаси ташкилотларининг конференциялари (қурултойлари)га делегатлар сайлаш.

Йиғилишни чақириш, таҳминий кун тартиби, конференция чақирилганда эса вакиллар меъёри тұғрисидаги қарорни касаба уюшмаси қўмитаси (касаба ташкилотчиси) 10 кун аввал, цех қўмитаси ва касаба гурухи ташкилотчиси 5 кун аввал эълон қиласи.

Касаба уюшмаси (цех) қўмитасининг навбатдаги мажлиси раис ёки унинг ўринбосари томонидан ёки касаба уюшмаси аъзоларининг камида $\frac{1}{3}$ қисмининг талаби ҳамда касаба уюшмаси юқори органининг қарори билан чақирилади.

4.8. Бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг умумий йиғилиш (конференция)лари жорий ишларни олиб бориш учун 5 йил муддатга куйидагиларни сайлайдилар:

касаба уюшмаси гурухларида – касаба уюшмаси гурухи ташкилотчисини;

касаба уюшмаси аъзолари 15 нафардан кам бўлган касаба уюшмаси бошланғич ташкилотида – касаба уюшмаси ташкилотчиси, унинг ўринбосари вағазначини;

15 нафар ваундан ортиқ касаба уюшмаси аъзосини бирлаштирган касаба уюшмаси бошланғич (цех) ташкилотида – касаба уюшмаси (цех) қўмитасини ва тафтиш комиссиясини.

Касаба уюшмаси гурухи ташкилотчиси, касаба уюшма ташкилотчиси, касаба уюшмаси органининг муддатидан илгари сайлови тегишли касаба уюшмаси ташкилотига бирлашган касаба уюшмаси аъзоларининг камида учдан бир қисмининг талаби билан, касаба уюшмаси юқори орган қарори ёки касаба уюшма гурухи ташкилотчиси, касаба уюшмаси ташкилотчиси, касаба уюшмаси органинг ўз ташаббуси билан ўтказилиши мумкин.

4.9. Корхона, ташкилот ёки муассасада ташкилий ҳуқуқий шакли ўзгарган тақдирда, бошланғич ташкилотнинг касаба уюшма қўмитаси аввал харакатда бўлган қўмитанинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади ва ўз ҳуқуқий мақомини сақлаб қолган ҳолда фаолият кўрсатишни давом эттиради.

4.10. Бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси ходимларнинг манфаатларини ифода этади ва уларнинг меҳнат ва ижтимоий-иктисодий ҳуқуқларини ҳимоя қиласди, бу мақсадда:

- касаба уюшмаси юқори органлари кўриб чиқиши учун ҳужжатлар лойиҳаси ва таклифлар киритади, уларни кўриб чиқилиши натижалари тўғрисида ахборот олади;

- иш берувчилар томонидан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ва “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

- жамоа шартномаси қабул қилинаётганда (ўзгартирилаётганда) касаба уюшма аъзоси(ходим)нинг манфаатларини ифодалайди, иш берувчи билан меҳнат жамоаси номидан жамоа шартномасини тузади ва унинг бажарилишини назоратини амалга оширади;

- меҳнат жамоасининг ижтимоий ривожланиши жорий ва келгусидаги режаларини ишлаб чиқишида қатнашади;

- корхонанинг меҳнат ҳуқуқий локал ҳужжатларини ишлаб чиқишида қатнашади ва қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда уларни келишади;

- жамоавий ва якка тартибдаги меҳнат низоларини ҳал этишда қатнашади;

- ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришни ташкил этади, меҳнат жамоасида маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш ишларини олиб боради;

- аъзолик бадалларини ўз вақтида ва тўла йиғилиши, ҳисботларни ҳаққоний олиб борилишини таъминлайди, юқори ташкилотлар билан келишилган ҳолда касаба уюшма ташкилотининг йиллик харажат ва даромадлар сметасини тузади ва тасдиқлайди (аъзолар сони 15 кишигача бўлган бошланғич ташкилотларда смета умумий йиғилиш томонидан тасдиқланади) ҳамда уни бажарилиши тўғрисида ҳисбот бериб туради;

-тасарруфига ўтказилган (фойдаланишга берилган) санаторий-профилакторий ва болалар соғломлаштириш оромгоҳларини фаолиятини устидан назоратини амалга оширади;

-аъзолик бадалларини мазкур Устав ва касаба уюшмаси Республика Кенгаши Раёсати белгилаган тартибда юқори касаба уюшмаси органларига ўз вақтида ўтказади;

-ўз қарорлари, касаба уюшмаси юқори органлари қарорларининг бажарилишини таъминлайди;

-касаба уюшмаси аъзоларини касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти фаолиятида фаол иштирок этишга жалб қиласи ва шароит яратади, касаба уюшмаси қўмитаси комиссияларини шакллантиради ва уларнинг ваколатини белгилайди;

-касаба уюшмаси гуруҳ ташкилоти ва касаба уюшмаси цех қўмиталари ишларига раҳбарлик қиласи, уларга ишларини ташкил этишларида амалий ёрдам кўрсатади;

-касаба уюшма аъзоларининг рўйхатини олиб боради, фаоллар ўқишини ташкил этади;

-касаба уюшмаси юқори органига маслаҳат, ёрдам ва қўмак учун мурожаат қиласи, ҳисоботлар ва бошқа ахборотлар тақдим этади;

4.11. Касаба уюшмаси қўмитаси раиси қўмита мажлислари орасида сўров йўли билан қабул қилинган қарорларга имзо чекади ва уни тасдиқлаш учун қўмитанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритади.

4.12. Касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти қўмитаси ўзининг баъзи ваколатларини касаба уюшмаси цех қўмитаси ва касаба уюшмаси гуруҳига бериши мумкин.

Касаба уюшмаси бошланғич ташкилотларида сайланадиган ташкилотчилар касаба уюшмаси қўмитаси хукуқи доирасида касаба уюшмаси аъзоларининг манфаатларини ифода этади ва ҳимоя қиласи.

4.13. Касаба уюшмаси цех қўмитаси цех, бўлим, бўлинма, участка ва шунга ўхшашларда касаба уюшмаси ишини ташкил қиласи, касаба уюшмаси гуруҳ ташкилотчиларининг ишларини йўналтиради, касаба уюшмаси йиғилиши (конференцияси), касаба уюшмаси қўмитаси, касаба уюшмаси юқори органлари қарорларини бажарилишини таъминлайди.

Цех қўмитасининг мажлислари заруратга қараб, лекин уч ойда камида бир маротаба ўтказилади.

4.14. Касаба уюшмаси гуруҳ ташкилотчиси якка тартибда касаба уюшмаси аъзолари билан иш олиб боради, уларнинг ҳар бирини жамоат ишида фаол қатнашишга жалб этади, ходимларнинг меҳнат ва майший шароитларини яхшилаш, уларнинг соғлиқларини мустаҳкамлаш ва дам олишларини ташкил этиш тўғрисида ғамхўрлик қиласи.

Касаба уюшмаси гуруҳининг мажлислари заруратга қараб, лекин бир йилда камида бир маротаба ўтказилади.

4.15. Касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти фаолияти, унинг учун касаба уюшмаси аъзоларининг (вакилларнинг) камида $\frac{2}{3}$ қисми ёқлаб овоз берганда умумий йиғилиши (конференцияси)нинг қарори билан тугатилиши мумкин.

V. Касаба уюшмасининг органлари

5.1. Касаба уюшмасининг органлари: касаба уюшмаси Қурултойи, касаба уюшмаси Республика Кенгаши, касаба уюшмаси Республика Кенгаши Раёсати ва касаба уюшмаси тафтиш комиссиясидир.

5.2. Касаба уюшмасининг олий органи касаба уюшмаси Республика Кенгаши томонидан беш йилда камида бир маротаба чакириладиган Қурултойдир. Қурултой чакириш, вакиллар сайлаш тартиби ҳамда меъёри ва кун тартиби уни ўтказишдан камида икки ой олдин эълон қилинади.

Навбатдан ташқари қурултой касаба уюшмаси Республика Кенгашининг ўз ташаббусига кўра ёки касаба уюшмаси аъзоларининг камида учдан бир қисмининг талаби билан, шунингдек Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг қарорига мувофиқ чакирилади. Уни чақириш тўғрисидаги қарор ва тахминий кун тартиби бир ой олдин эълон қилинади.

Қурултой қарорига мувофиқ унга сайланган делегатларнинг ваколатлари навбатдаги Қурултойгача сақлаб қолиниши мумкин.

5.3. Касаба уюшмаси Қурултойи қуидаги ваколатларга эга:

- касаба уюшмаси Республика Кенгаши ва тафтиш комиссиясининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни эшлиши ва тасдиқлаш;

- касаба уюшмаси вазифалари ва унинг фаолиятининг асосий йўналишлари, касаба уюшмаси Республика Кенгаши вазифалари, ваколатлари ва ҳукуқларини аниклаш;

- касаба уюшмаси Устави, Ҳаракат дастури, касаба уюшмаси ва касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлари тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомларни қабул қилиш ҳамда уларга ўзгартиришлар киритиш;

- бир вақтнинг ўзида касаба уюшмаси Республика Кенгаши ва унинг Раёсатининг аъзоси ҳисобланадиган касаба уюшмаси Республика Кенгаши раисини сайлаш;

- касаба уюшмаси Республика Кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш;

- Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қурултойига делегатлар ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши таркибига вакиллар сайлаш;

- Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати билан келишилган ҳолда касаба уюшмаси тузилмасини белгилайди;

касаба уюшмасини қайта ташкил этиш ва тугатиш бўйича қарор қабул қилиш.

5.4. Касаба уюшмаси Республика Кенгаши қурултойлар орасидаги даврда раҳбар органдир, Қурултойда беш йил муддатга сайланади ва факат Қурултойга ҳисобот беради.

5.5. Касаба уюшмаси Республика Кенгаши ваколатлари:

- Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қурултойлари, Федерация Кенгаши ва унинг Раёсати қарорларини ҳамда тармоқ касаба уюшмаси қурултойида қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини таъминлайди;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида

тузилган Бош келишувга асосланган ҳолда тармоқдаги тегишли **бошқарув хўжалик органлари** билан ҳамкорликда тармоқ келишувларини тузишга эришади;

- тармоқ ходимларига дахлдор ижтимоий-иктисодий масалалар мажмуаси бўйича бош Келишувга киритиш учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси Кенгашига таклифлар киритади;

- давлат органларида, жамоат ташкилотлари, мулкчилик шаклидан қатъи назар хўжалик тузилмаларида касаба уюшмаси ташкилотлари ва касаба уюшмаси аъзоларининг ҳукуқ ва қонуний манфаатларини ифода этади ва ҳимоя қиласди;

- ходимларнинг тўла бандлигини таъминлаш ишларини, яширин ишсизлик ва норасмий бандлик ҳолларини таҳлил қилиб боради ва тегишли чоралар кўради, ходимлар малакаси оширилишига қўмаклашади, касаначиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, квоталаштирилган иш ўринларига фукаролар ишга жойлаштирилиши, корхоналарни қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши сабабли оммавий равища ишдан озод этилаётган ходимларга моддий мадад чоралари қўлланилиши устидан ваколати доирасида назорат олиб боради;

- корхона ва ташкилотларга тармоқ келишуви етказилишини таъминлайди;

тармоқда жамоа шартномалари бажарилиши бўйича статистик ҳисоботларни юритади. Жамоа шартномаларининг тармоқ макетларини ишлаб чиқади, тармоқка мансуб юридик шахсларнинг жамоа шартномалари лойиҳаларини экспертизадан ўtkазади;

- тармоқ миқёсидаги ўртacha иш ҳақи миқдорини таҳлил қиласди, ўз ваколатлари доирасида иш ҳақи ўз вақтида тўланиши устидан жамоатчилик назоратини олиб боради, оммавий тарзда ишдан бўшатиб олинаётган ходимларнинг ҳукуқларини ҳимоя қиласди;

- тармоқда давлат ижтимоий дастурлари бажарилишини таъминлаш, ижтимоий муҳофазага муҳтож ходимлар (ёшлар, ногиронлар, қариялар, болалик аёллар) манфаатларини ҳимоя қилиш борасида иш олиб боради;

- корхона ва ташкилотларда жорий этилган ходимларнинг ижтимоий-иктисодий манфаатларига доир қарорлар, локал ҳужжатлар қабул қилувчи бошқарув органлари (кузатув кенгашлари, ҳайъатлар, комиссиялар ва ҳ.к.) таркибиға касаба уюшма қўмитаси раислари ёки касаба уюшмаси ташкилоти вакилларининг киритилиши ташаббуси билан чиқади;

- юридик масалаларда куйи ташкилотларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатади ҳамда мазкур масалаларга оид қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан тармоқ бўйича жамоатчилик назоратини олиб боради;

- давлат бошқарув органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар билан ходимларнинг меҳнат муҳофазаси соҳасидаги ҳукуқларини ҳимоя қилишга оид алоҳида келишувлар тузади ва унинг амалга оширилишини таъминлайди;

- тармоқ давлат бошқарув органлари ва хўжалик юритувчи субъектларга меҳнат муҳофазасига оид меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш зарурати тўғрисида таклифларини тайёрлайди, уларни ўрнатилган тартибда ишлаб чиқиш ва келишишда иштирок этади;

- тармоқдаги меҳнатни муҳофaza қилиш, ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ходисалар ва ходимлар саломатлигининг бошқа ҳил заарланиши аҳволини таҳлил этиб боради;

- тармоққа киравчи барча касаба уюшма ташкилотларининг меҳнатни муҳофаза қилиш ишлари устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш борасидаги фаолиятини мувоғиқлаштиради ва йўналтириб боради;

- меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича тармоқ миқёсида меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишида иштирок этади ва уларга риоя этилишини назорат қиласди;

- тармоқда Халқаро Меҳнат ташкилоти конвенциялари ижросининг жамоатчилик назоратини олиб боради;

- касаба уюшмаси Республика Кенгаши Раёсатининг сон жиҳатдан таркибини аниқлайди ва сайлайди;

- қуий ташкилотлар учун методик қўлланмаларни, меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқади, тайёрлайди ва жойларга етказади;

- зарур ҳолларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашидаги ўзининг вакилларини чақиртириб олиш ва ўрнига янги вакилларни сайлаш, Республика Кенгаши таркибига, касаба уюшмаси тафтиш комиссияси билан биргаликдаги қўшма мажлисда комиссия таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қиласди (овоз бериш алоҳида ўтказилади);

- қуий касаба уюшма ташкилотларининг амалдаги қонунчиликка ва мазкур уставга зид равищда қабул қилган қарорларини бекор қилишга эришади;

- ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ишларига Федерация Кенгаши Раёсати белгилаган маблағларнинг сарфланишини назорат қиласди;

- бошқа манфаатдор касаба уюшмаси ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда тадбирлар ўтказади;

- ушбу уставнинг 14.1-бандида кўрсатилган ҳолларда, касаба уюшмаси Устави ва бошқа ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритади;

- Курултойга ўз фаолияти бўйича ҳисобот беради;

- касаба уюшмаси Республика Кенгаши Раёсатининг фаолияти бўйича ҳисоботини эшитади;

- касаба уюшмаси рамзини қонунда белгиланган тартибда тасдиқлайди;

- касаба уюшмаси Республика Кенгаши раисининг ўринбосарини сайлайди ва лавозимидан озод этади;

Касаба уюшмаси Республика Кенгаши қарори билан Кенгаш ваколатига киравчи айrim ваколатлар касаба уюшмаси Республика Кенгаши Раёсатига берилиши мумкин.

Касаба уюшмаси Республика Кенгаши мажлиси заруратга қараб, лекин бир йилда камида бир маротаба чақирилади.

5.6. Касаба уюшмаси Республика Кенгаши жорий ва ташкилий масалаларни ҳал этиш учун ўз таркибидан, ваколати муддатига, касаба уюшмаси Республика Кенгашининг Раёсатини сайлайди. Раёсат таркибига касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси, унинг ўринбосари ва касаба уюшмаси Республика Кенгашининг бошқа аъзолари кирадилар.

5.7. Касаба уюшмаси Республика Кенгаши Раёсати ваколатлари:

- касаба уюшмаси Республика Кенгаши мажлислари орасида касаба уюшмаси фаолиятини бошқаради, касаба уюшмаси Курултойи ва Республика Кенгаши

қарорларини бажарилишини ташкил қиласи ва назорат этади ҳамда бажарилган ишлар тўғрисида Республика Кенгашининг навбатдаги мажлисда ахборот бериб туради;

- касаба уюшмаси Республика Кенгashi мажлисини чақиради, кун тартиби тўғрисида таклифлар киритади, уни ўтказиш жойи ва вақтини белгилайди;

касаба уюшмаси Марказий аппаратининг молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширади;

- Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгashi Раёсати билан келишган ҳолда касаба уюшмаси Марказий аппаратининг штат жадвали, даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлади;

- касаба уюшмаси аъзолари сонидан келиб чиқиб касаба уюшмаси кўмиталарининг ҳақ олиб ишлайдиган ходимлар сонининг меъёрини, касаба кўмиталарининг хўжалик ишидан озод этилмаган раисларига қўшимча тўловлар миқдорини Федерация Кенгashi томонидан тасдиқланган меъёрий хужжатларга амал қилган ҳолда белгилайди;

- касаба уюшмаси Республика Кенгashiга тақдим этиладиган ахборот, статистик ва бошқа хужжатлар рўйхатини белгилайди;

- касаба уюшмаси Қурултойига сайланган делегатларнинг ваколатларини тасдиқлади;

- Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Эҳтиром Нишони, Фахрий ёрлиги билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифларни Федерация Кенгashiга киритади;

- бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари фаолияти устидан назоратни амалга оширади ва ишларини мувофиқлаштиради, бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларининг фаолияти бўйича ҳисоботини эшитади;

- Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгashi Раёсати билан келишилган ҳолда касаба уюшмаси халқаро бирлашмаларига кириш (чиқиш) тўғрисида қарорлар қабул қиласи;

- касаба уюшмаси бюджетини бошқаради, касаба уюшмаси аъзолик бадалларининг амалдаги тушумидан касаба уюшмаси бошланғич ташкилотларига қолдириладиган қисмини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан тасдиқланган меъёрлар асосида (фоиз ҳисобида) белгилайди;

- касаба уюшмаси ходимлари ва фаолларини ўқитиш, қайта тайёрлашни ташкил этади, касаба уюшмаси ташкилотларининг ижобий тажрибаларини ўрганади ва оммалаштиради;

Уставда белгилangan бошқа ваколатларни амалга оширади.

Касаба уюшмаси Республика Кенгashi Раёсатининг мажлислари зарур ҳолларда, лекин чоракда камида бир маротаба ўтказилади.

VI. Касаба уюшмаси Республика Кенгashi раиси

- касаба уюшмаси ва унинг сайланма органларини ифода этади;

- касаба уюшмаси Қурултойи, Республика Кенгashi ва Раёсати қарорларини бажарилишини назоратини ташкил этади;

- касаба уюшмаси Республика Кенгаши ва унинг Раёсати ишини бошқаради, уларнинг масжисларини ўз вақтида ўтишини таъминлайди, касаба уюшмаси Республика Кенгаши Раёсатини чақиради;

- қарор қабул қилинаётганда фикрлар teng бўлингандан қўшимча овоз хукуқига эга;

- масжислар орасида сўров усули билан қабул қилинган касаба уюшмаси Республика Кенгаши Раёсати қарорларига имзо чекади ва уни тасдиқлаш учун Раёсатнинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритади;

- мазкур Уставда кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида пул маблағлари ва мол-мулкини бошқаради;

- касаба уюшмаси Марказий аппаратини шакллантиради ва унинг ходимлари билан меҳнат шартномасини тузади (бекор қилади);

- касаба уюшмаси Марказий аппарати ишлари масалалари бўйича фармойишлар чиқаради;

касаба уюшмаси сайланма органлари унга ваколат берган бошқа вазифаларни бажаради.

VII. Касаба уюшмаси Республика Кенгашининг ҳудуд бўйича масъул ташкилотчиси

7.1. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати билан келишилган ҳолда ҳудудларда масъул ташкилотчи лавозимлари жорий этилиши мумкин. Касаба уюшмаси Республика Кенгашининг ҳудуддаги масъул ташкилотчиси, касаба уюшмаси Республика Кенгашининг белгиланган ҳудуддаги вакили ҳисобланади.

7.2. Ўз иш фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари, уларнинг хукуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунлар, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг бирлашган касаба уюшмалари Устави, “Ўзметмашсаноат” касаба уюшмаси Устави, ЎзКУФК, касаба уюшмаси Республика Кенгаши, ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси қарорлари асосида амалга оширади.

7.3. Касаба уюшмаси Республика Кенгаши масъул ташкилотчиси ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси билан келишилган ҳолда касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси томонидан тайинланади.

7.4. Касаба уюшмаси Республика Кенгаши масъул ташкилотчиси касаба уюшмаси Республика Кенгаши раҳбарлигига ишлайди, ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси билан ўзаро алоқа қилади.

7.5. Касаба уюшмаси Республика Кенгаши Раёсати қарори билан лозим бўлганда касаба уюшмаси Республика Кенгаши масъул ташкилотчиси ҳудуд бўйича, яъни бир вақтда бир қанча вилоятлар бўйича ҳам тайинланиши мумкин.

7.6. Касаба уюшмаси Республика Кенгаши масъул ташкилотчиси вазифалари:

- ҳудуд бўйича бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари фаолиятини бошқаради ва йўналтиради;

- касаба уюшмаларига янги бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларини қабул қиласы ва рўйхатдан ўтказади;
 - касаба уюшмаси ташкилотлари манбаатларини касаба уюшмаси Республика Кенгаши, ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, ҳудуддаги давлат, хўжалик ва жамоат органларида ифодалайди ва ҳимоя қиласы;
 - бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларига юқори касаба уюшмаси органлари қарорларини етказади, бажарилишини ташкил этади, бажарилиши устидан назоратни таъминлайди;
 - бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларига фаолиятини юритишда амалий ва услубий ёрдам кўрсатади. Касаба уюшмалари иш тажрибасини ўрганади ва тарғиб қиласы;
 - касаба уюшмаси аъзоларининг аризаларини, шикоятларини, мурожаатларини ва хатларини кўриб чиқади, касаба уюшмаси аъзоларини шахсий масалалар бўйича қабул қиласы;
 - мунтазам равишда касаба уюшмаси аъзолари таклифларини, жамоатчилик фикрларини ўрганади ва умумлаштиради, хўжалик ва касаба уюшмаси органларига улар тўғрисида маълумот беради, уларнинг кўриб чиқилиши ва ҳал этилишига эришади;
 - касаба уюшмаси Республика Кенгашига ва тегишли ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасига статистик ва тегишли бошқа ҳисботларни ўз вақтида тақдим этади, юқори касаба уюшмаси органлари қарорлари ижросини умумлаштиради ва маълумот беради;
 - ҳудудда жойлашган корхона, ташкилот, муассасаларнинг жамоа шартномасини экспертизадан ўтказишида кўмаклашади;
 - ҳудуддаги корхона, ташкилот, муассасада меҳнат қонунчилигига ва меҳнат муҳофазаси қоида ва меъёрларига риоя этилишини назорат этади;
 - касаба уюшмаси Республика Кенгашига ўзи олиб борган фаолияти бўйича даврий ҳисбот бериб туради;
 - касаба уюшмаси Республика Кенгаши масъул ташкилотчиси касаба уюшмаси Республика Кенгаши томонидан берилган хизмат гувоҳномасига эга.
- 7.7. Касаба уюшмаси Республика Кенгаши масъул ташкилотчиси қўйидаги ҳуқуқларга эга:**
- касаба уюшмаси Республика Кенгаши номидан хўжалик органларида ҳудуддаги тармоқ корхоналарининг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш режалари кўрилаётганда қатнашади;
 - тармоқ корхона, муассаса, ташкилотлардаги касаба уюшмалари ташкилоти фаолиятига оид аҳволни қаршиликларсиз ўрганади. Касаба уюшмаси қўмитаси ва хўжалик органларидан аниқланган камчиликларнинг бартараф этилишини талаб қиласы;
 - иш берувчилар ва уларнинг вакилларидан корхоналарнинг ижтимоий ривожланиши, жамоа шартномаси ва келишувларидаги мажбуриятларнинг бажарилиши ва ходимларнинг меҳнати билан боғлиқ ҳужжатлар ва маълумотларни олади;
 - касаба уюшмаси аъзоларининг қонуний ҳуқуқ ва манбаатларини ҳимоя этишга йўналтирилган, ҳамда касаба уюшмаси қўмиталари ва касаба уюшмаси

ташкilotларининг Уставда белгиланган вазифаларини тадбиқ этишдаги ваколатлари бўйича керакли ҳаракатларни амалга оширади;

- касаба уюшмалари Республика Кенгаши ва ҳудудий касаба уюшмалари бирлашмаларига касаба уюшмаси ходимлари ва фаолларини моддий ва маънавий рағбатлантириш таклифларини киритади;

- касаба уюшмаси Республика Кенгаши масъул ташкilotчиси жамоатчилик асосида тайинланса, унга Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваригача бўлган миқдорида қўшимча ҳақ белгиланади. Қўшимча ҳақ ва унинг миқдори тўғрисидаги қарор касаба уюшмаси Республика Кенгаши Раёсати билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан тасдиқланган меъёрий хужжатларга амал қилган холда қабул қилинади.

VIII. Касаба уюшмаси Курултойи, конференция, йиғилиш, сайланма органлар мажлисларини ваколатли бўлиши, қарорлар қабул қилиш ва овоз бериш шакллари

8.1. Курултой, конференцияларда делегатларнинг камида 2/3 қисми қатнашгандан ваколатли деб ҳисобланади.

8.2. Курултой, конференция делегатларининг ваколатлари Курултой, конференцияни чақираётган касаба уюшмаси органларининг Раёсатлари (бошланғич ташкilotлар касаба уюшмаси қўмиталари) томонидан тасдиқланади.

8.3. Касаба уюшмаси ташкilotлари йиғилишлари, сайланма органлар мажлислари ишида ушбу ташкilot касаба уюшмаси аъзолари, сайланма орган аъзоларининг ярмидан кўпи қатнашса ваколатли ҳисобланади.

Касаба уюшмаси Курултой, конференция, йиғилиш, сайланма органлар мажлислари қарорлари қатнашётган делегат, йиғилиш қатнашчилари ёки сайланма органлар аъзоларининг ярмидан кўпи овоз берганда қабул қилинган ҳисобланади.

8.4. Касаба уюшмаси Курултойига делегатларни Республика Кенгаши Раёсати қарори билан тасдиқланган вилоят касаба уюшмаси қўмиталари раислари кенгаши конференциясида вакилларни сайлайди.

8.5. Овоз бериш (очик ёки яширин) шакlinи касаба уюшмаси Курултойи, конференцияси делегатлари, йиғилиш қатнашчилари, сайланма органлар аъзолари белгилайдилар.

IX. Касаба уюшмаси ташкilotларининг тафтиш комиссиялари

9.1. Касаба уюшмаси ташкilotларининг тафтиш комиссиялари мустақил органлардир, касаба уюшмаси йиғилиши, конференцияси, Курултойида тегишли сайланма органлар билан бир вақтда ушбу органларнинг ваколат муддатларига тенг муддатга сайланадилар.

9.2. Тафтиш комиссиялар ўз фаолиятларини касаба уюшмаси Устави ва Курултой тасдиқлайдиган касаба уюшмаси ва касаба уюшмаси бошланғич ташкilotлари тафтиш комиссиялари тўғрисидаги Низомга мувофиқ олиб борадилар.

9.3. Касаба уюшмаси тафтиш комиссиясининг фаолиятини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Назорат-тафтиш комиссияси мувофиқлаштиради ва йўналтиради.

9.4. Тафтиш комиссиялар тегишли равишда йиғилишлар, конференциялар, Курултойга ҳисоб берадилар.

Х. Касаба уюшмасининг пул маблағлари ва мол-мулкини шакллантириш манбалари

10.1. Касаба уюшмаси пул маблағлари касаба уюшмаси аъзоларининг кириш ва ойлик аъзолик бадалларидан, хўжалик органларининг ажратмалари, тадбиркорлик, ишлаб чиқариш - хўжалик, нашриётчилик ва Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига зид бўлмаган бошқа фаолиятдан келадиган маблағлардан ташкил топади.

10.2. Кириш ва ойлик аъзолик бадаллари иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (стипендиялар)дан камида бир фоиз миқдорида белгиланади.

Касаба уюшмаси аъзосининг аризасига асосан у ўз хоҳиши билан белгиланган миқдордан ортиқ бадал тўлаши мумкин.

Ишламайдиган пенсионерлар аъзолик бадалларини Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ёшга доир пенсиядан бир фоиз миқдорида тўлайдилар. Касаба уюшмасининг вақтинча ишини тўхтатган, 3 ёшгача фарзанд тарбияси билан банд бўлган аёллар, вақтинча ишсиз қолган (штат қисқариши, корхона тугатилиши ва шунга ўхшашларда), стипендия олмайдиган ўқувчи аъзолари шу давр учун аъзолик бадаллари тўлашдан озод этиладилар.

Маблағлар маданий-оммавий ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирларига, касаба уюшмаси аъзоларига моддий ёрдам кўрсатиш, ҳақ олиб ишлайдиган ходимларни сақлаш ва бошқа устав мақсадларига сметага мувофиқ сарфланади.

10.3. Касаба уюшмаси Республика Кенгаши сметаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати билан келишилган ҳолда касаба уюшмаси Республика Кенгаши Раёсати қарори билан тасдиқланади.

10.4. Бошланғич касаба уюшмаси ташкилотини штат бирлиги, касаба уюшмаси Республика Кенгаши Раёсати қарори билан тасдиқланган меъёрда, унинг касаба уюшмаси аъзолари сони ҳамда молиявий имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда шакллантирилади.

Касаба уюшмаси Марказий аппарати штат жадвали Федерация Кенгаши Раёсати билан келишилган ҳолда шакллантирилади ва Республика Кенгаши Раёсати қарори билан тасдиқланади.

Касаба уюшмаси органлари ходимларининг, раҳбарларининг ҳам меҳнатларига ҳақ тўлаш шартлари, шунингдек, лавозим маошлари миқдорини касаба уюшмаси Республика Кенгаши Раёсати Федерация Кенгаши томонидан тасдиқланган меъёрий хужжатларга амал қилган ҳолда белгилайди.

10.5. Касаба уюшмаси мулк хуқуқи билан ўзига тегишли бўлган мол-мулк ва пул маблағларига эгалик қиласи, фойдаланади ва тасарруф қиласи. Пул маблағини

исталган банкда устама фоиз ҳисобига сақлаш ва депозитга қўйиш, акциялар сотиб олиш хуқуқига эга.

10.6. Касаба уюшмаси бошланғич ташкилотининг фаолияти тугатилганда унинг мол-мулки ва пул маблағи кредиторларнинг талабини қаноатлантириш учун ишлатилади. Қолган маблағ, касаба уюшмаси Устави белгилаган мақсад ва вазифаларни, шунингдек қонунчилик талабларини амалга ошириш учун тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгашига ўтказилади.

10.7. Пул маблағлари, бинолар, иншоотлар, маданий-оқартув, спорт-соғломлаштириш ва бошқа муассасалар уларнинг ускуналари, жамғармалари, пул маблағлари билан бирга, шунингдек, унга тегишли бошқа мол-мулклар касаба уюшмасининг мулкидир. Касаба уюшмаси ўз мулкларини органларнинг сайланадиган муддатларига ижарага бериш хуқуқига эгадир.

Касаба уюшмасининг умумий мол-мулки, пул маблағлари бўлинмайди ва касаба уюшмаси аъзосига қайтарилмайди ва ундан фақат Устав мақсадлари йўлида фойдаланилади.

XI. Касаба уюшмасида меҳнат муносабатлари

11.1. Касаба уюшмалари органларининг аппарат ходимлари билан меҳнат муносабатлари, улар билан меҳнат шартномаси тузиш йўли билан лавозимга қабул қилиш (умумий тартибда номуайян муддатга) ва меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа шартномалари ва бошқа локал норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

11.2. Касаба уюшма органлари аппаратлари ўз фаолиятини Раёсатда тасдиқланган регламент асосида амалга оширади.

11.3. Сайланма лавозимларга сайланган ходимлар билан 5 йилга муддатли меҳнат шартномалари тузилади. Меҳнат шартномаси умумий йиғилиш, конференция, Курултой номидан умумий йиғилиш, конференция, Курултой ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

11.4. Штатдаги касаба уюшмаси ходимларининг шахсий варақалари ва меҳнат дафтарчалари меҳнат шартномаси (контракт) тузилган касаба уюшма ташкилотида сақланади.

XII. Касаба уюшмасининг ҳисоби ва ҳисботи

12.1. Касаба уюшмаси ўз фаолиятининг натижалари ҳисобини олиб боради ва белгиланган тартибда ўз ҳисботларини рўйхатдан ўтказган орган, статистика ва солиқ идораларига тақдим этади.

XIII. Касаба уюшмасининг юридик шахс сифатида хуқуқлари

13.1. Касаба уюшмаси юридик шахс ва ўзининг белгиланган намунадаги мухри, штампи, хос қофози ва банкларда ўз ҳисоб рақамларига эга бўлиши мумкин.

13.2. Касаба уюшмаси ўз фаолиятини амалга ошириш учун мустақил равища Устав, Низомларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, фаолиятининг

мақсадини, шакл ва услубарини белгилайди, Қурултой, конференциялар, йиғилишлар чакиради ва бошқа тадбирлар ўтказади.

13.4. Касаба уюшмаси белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзининг рамзи (тимсоли)га эга бўлади.

XIV . Касаба уюшмасини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби

14.1. Касаба уюшмасини қайта ташкил этиш (бирлашиш, қўшилиш, бўлиниш, ажралиб чиқиши ва ўзгартириш) тўғрисидаги қарор касаба уюшмаси Қурултойида қабул қилинади.

Касаба уюшмасини қайта ташкил этиш қонун хужжатларида кўзда тутилган тартибда амалга оширилади. Касаба уюшмасини қайта ташкил этишда Қурултой касаба уюшмасининг ҳуқуқий ворисини белгилайди.

14.2. Касаба уюшмасини тугатиш тўғрисида қарор Қурултой ёки суд томонидан қабул қилинади. Тугатиш ҳақида қарор қабул қилган орган қонунчиликда белгиланган тартибда тугатиш комиссиясини тайинлайди. Кредиторлар талаби қаноатлантирилгандан сўнг қолган мол-мулк касаба уюшмасининг Устави мақсадларига йўналтирилади. Касаба уюшмасининг мол-мулки касаба уюшмаси аъзолари ва ходимлари ўртасида тақсимланмайди.

XV. Касаба уюшмаси уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

15.1. Мазкур Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар Қурултой қарори билан киритилади. Амалдаги қонунларга ўзгартишлар киритилган, янги қонунлар қабул қилинган ҳолларда, Қурултойлар оралиғида Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар Республика Кенгашининг қарори билан киритилади.

Уставга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатда қайта рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этилади.

15.2. Ушбу Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор Қурултойда иштирок этаётган делегатлар, Республика кенгashi мажлисида иштирок этаётган аъзоларнинг камида 2/3 (учдан икки) қисми ёқлаб овоз берган тақдирда, қабул қилинган ҳисобланади.

**Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик
саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси
Республика Кенгashi раиси**

Ш.К. Адилов